

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги кимё саноат маҳсулотларининг 26-декабр санасидаги савдо якунлари

// 26.12.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/birja20241226>



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOVAR XOM-ASHYO BIRJASIDAGI**

**KIMYO SANOATI
MAHSULOTLARINING**

SAVDO YAKUNLARI

uzkimyosanoat.uz [uzkimyosanoat.uz](https://www.instagram.com/uzkimyosanoat)

t.me/uzkimyosanoat [Uzkimyosanoat](https://twitter.com/Uzkimyosanoat)

[uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat) [uzkimyosanoat](https://www.youtube.com/channel/UC...)

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги ўз савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари савдосининг 2024-йил 26-декабр санасидаги якуни бўйича маълумотларни тақдим этади.

Жорий йилнинг 26-декабр куни “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали жами 3058,9 тонна 14 032,8 млн сўмлик минерал ўғитлар сотилди.

Биржа савдоларига ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, сульфат аммоний, аммофос, ПС-Агро, калийли ўғитлар, суперфосфат азот-фосфорли ўғит каби маҳсулотлар қўйилди. Савдога қўйилган минерал ўғитлардан аммофос энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, сотувнинг 42,5 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналар томонидан минерал ўғитлардан ташқари бугунги кун саноатида кенг қўлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, калсинацияланган сода, азот кислотаси ва суюқ кислород каби бир қатор кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишда биржа савдоларига қўйиб борилади.

26-декабр куни жами 8399,6 млн сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлар сотилди. Сотувнинг

асосий қисмини, яъни 61,3 фоизини поливинилхлорид маҳсулоти ташкил этди.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотларни www.uzkimyosanoat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги <https://t.me/uzkimyosanoat> ва <https://www.facebook.com/uzkimyosanoat/> расмий саҳифалари орқали олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг сифат даражаси бўйича таклиф ва эътирозларингиз бўлса, (78) 140-74-48 ишонч телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати